



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 11 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 11

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2025

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№11 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-11>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Азизов Аброржон Салиджанович НАЛОГОВЫЙ МОНИТОРИНГ КАК АЛЬТЕРНАТИВНАЯ ФОРМА НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРАВОВАЯ СУЩНОСТЬ И ОТЛИЧИЯ ОТ НАЛОГОВЫХ ПРОВЕРОК.....	5
2. Norboyev Bobur Aliqul o‘g‘li O‘ZBEKISTONDA YER KADASTRING HUDUDIY RIVOJLANISH TARIXI.....	13
3. Каримов Темур Мамарахим ўғли ЮРИДИК ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИШ СТАЖИНИНГ СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА.....	22
4. Xakberdiyev Nurali Salaxiddinovich HUQUQNI MUXOFAZA QILUVCHI ORGANLARIDA KADRLAR ZAXIRASINI SHAKLLANTIRISH DASTURINI ISHLAB CHIQUISH VA UNI TASHKIL ETISH TARTIBI.....	30
5. Nurumov Dilshodbek Djumabayevich ADVOKATNING ISHONCH BILDIRUVCHI SHAXS (HIMOYA OSTIDAGI SHAXS) BILAN MUNOSABATLARINING O‘ZIGA XOS JIHATLARI.....	40
6. Сафаев Мансурбек Илхомжонович ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР.....	48
7. Зокиров Шерзод Илхом ўғли ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	57
8. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich JINOYATLARNI KVALIFIKATSIYA QILISH ALGORITMI: NAZARIY VA AMALIY JIHATLARI.....	65
9. Мухитдинов Фахритдин Мухитдинович МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ПРЕВЕНТИВ ЖИХАТЛАРИ.....	76
10. Najimov Miratdiyin Shamshetdinovich O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT QONUNCHILIGIDA OILAGA VA YOSHLARGA QARSHI JINOYATLAR TUSHUNCHASI VA ULARNING IJTIMOIY XAVFLILIGI.....	90
11. Файзуллаев Шавкат Файзуллаевич ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИНИ ҚЎЛЛАШ.....	99
12. Nuratdinov Srajatdin Kamalatdinovich XORIJ DAVLATLARINING OMMAVIY TARTIBSIZLIKLAR PROFILAKTİKASINI AMALGA OSHIRISH BO‘YICHA TAJRIBASI.....	109




12.00.07-СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА

Каримов Темур Мамарахим ўғли,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси
E-mail: temur_karimov_1994@mail.ru

ЮРИДИК ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИШ СТАЖИНИНГ СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА

For citation: Karimov Temur Mamarakhim ugli. WORK EXPERIENCE IN THE LEGAL PROFESSION AS ONE OF THE REQUIREMENTS FOR CANDIDATES FOR THE POSITION OF JUDGE. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 11.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17637196>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мамлакатимизда судьялик лавозимига сайланадиган, тайинланадиган шахс учун зарур бўлган юридик ихтисослик бўйича иш стажи тушунчаси, унинг судьялик лавозимига тайинланишдаги аҳамияти ва ўрни ҳамда илмий-назарий жиҳатлари ўрганилган. Шу билан бирга, муаллиф томонидан судьялик лавозимига сайланадиган, тайинланадиган шахсларга камида қанча муддат давомида юридик ихтисослик бўйича иш стажи зарурлиги, юридик ихтисослик бўйича иш стажи ҳисобланадиган касб ва лавозимлар рўйхати, судья бўлиш учун юридик ихтисослик бўйича иш стажининг дастлабки биринчи дақиқаси қачондан бошланиши кераклиги хорижий давлатлар тажрибаси асосида чуқур таҳлил этилган.

Калит сўзлар: судьялик лавозимга номзод, талаблар, судья мақоми, иш стажи, юридик ихтисослик бўйича иш стажи, қоида тариқасида.

Каримов Темур Мамарахим ўғли,
Самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: temur_karimov_1994@mail.ru

**ТРУДОВОЙ СТАЖ ПО ЮРИДИЧЕСКОЙ СПЕЦИАЛЬНОСТИ В КАЧЕСТВЕ
ОДНОГО ИЗ ТРЕБОВАНИЙ ПРЕДЪЯВЛЯЕМЫХ К КАНДИДАТАМ НА
ДОЛЖНОСТЬ СУДЬИ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуется понятие трудового стажа по юридической специальности, необходимого лицу, которое избирается, назначается на должность судьи в нашей стране, его важность и позиция при назначении на должность судьи, а также научно-теоретические аспекты. В то же время, список профессий и должностей, по которым автор рассматривает необходимость работы по юридической специальности, по крайней мере, на какой срок быть

избранным на судейскую должность, когда начинается первой минуты работы по юридической специальности чтобы стать судьей, подробно анализируется на основе опыта из зарубежных стран.

Ключевые слова: кандидат на судейскую должность, требования, статус судьи, трудовой стаж, трудовой стаж по юридической специальности, как правило.

Karimov Temur Mamarakhim ugli,
Independent researcher of
Tashkent state law university
E-mail: temur_karimov_1994@mail.ru

WORK EXPERIENCE IN THE LEGAL PROFESSION AS ONE OF THE REQUIREMENTS FOR CANDIDATES FOR THE POSITION OF JUDGE

ANNOTATION

This article examines the concept of seniority in the legal profession required by a person who is elected and appointed to a judicial position in our country, its importance and position when appointed to a judicial position, as well as scientific and theoretical aspects. At the same time, the list of professions and positions for which the author considers the need to work in a legal profession, at least for how long to be elected to a judicial position, when the first minute of work in a legal profession begins to become a judge, is analyzed in detail based on experience from foreign countries. **Keywords:** candidate for a judicial position, requirements, status of a judge, work experience, work experience in a legal specialty, as a rule.

Судьялик лавозимига сайланадиган ёки тайинланадиган шахсларга қўйиладиган асосий талаблардан бири сифатида юридик ихтисослик бўйича маълум бир муддат иш стажига эга бўлиш шартининг белгиланиши суд ҳокимияти тизимида одил судловни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий ва илмий асосларидан биридир. Мазкур талаб орқали судьялар сони эмас, балки уларнинг сифати, касбий етуқлиги ва мустақил қарор қабул қилиш салоҳияти кафолатланади.

Фиркимизча, ушбу талаблар судья шахсида юқори даражадаги ҳуқуқий билим ва амалий тажрибани таъминлаш, унинг мустақил ва холис қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантириш, шунингдек, одил судлов ва инсон ҳуқуқларини кафолатлаш каби вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 68-моддасида судьялик лавозимига сайланадиган, тайинланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар белгиланган. Булар жумласига ёш цензи, Одил судлов академиясида мажбурий тартибда ўқиши ҳамда юридик ихтисослик бўйича иш стажига эга бўлиш кабиларни киритиш мумкин. Бугунги тадқиқот ишида илк бор судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар учун белгиланадиган юридик ихтисослик бўйича иш стажига талабининг ҳуқуқий асослари, унинг илмий-назарий жиҳатдан мазмуни, амалий аҳамияти ва хорижий тажрибадаги ўхшаш меъёрлар атрофлича таҳлил этилади.

Бугунги кунда юридик ихтисослик бўйича иш стажига эга бўлиш талаби бўйича куйидаги айрим муаммолар мавжуд:

Биринчиси: Аслида судьялик лавозимига сайланадиган, тайинланадиган шахсларга камида қанча муддат давомида юридик ихтисослик бўйича иш стажига эга бўлиши лозим?

Иккинчиси: Ўзбекистон Республикасида қайси касб ва лавозимларда фаолият кўрсатилса, у юридик ихтисослик бўйича иш стажига ҳисобланади?

Учинчиси: юридик ихтисослик бўйича иш стажига эга бўлишнинг дастлабки биринчи дақиқаси қачондан бошлаб ҳисобланади?

Фиркимизча, ушбу муаммоларнинг жавобини миллий ва хорижий давлатларнинг қонунчилиги асосида чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш лозим.

Амалдаги миллий қонунчилик нормаларига мувофиқ, илк бор судьялик лавозимига тайинланадиган номзод шахслар юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлган тақдирда, улар туманлараро, туман, шаҳар судлари ёки ҳудудий ҳарбий суд судьяси лавозимига тайинланиши мумкин.

Судьяликка номзоднинг юридик ихтисослик бўйича иш стажига эга бўлиш талабига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1993 йил 2 сентябрь куни қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги 924–XII-сон Қонуни 62-моддасида судьяликка номзод ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлиши кераклиги белгиланган [1].

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, бу борадаги ислоҳотлар изчил амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январь куни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-365-сон Қонуни қабул қилинган ва шу аснода “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 61-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унга кўра, судьяликка номзод эндиликда юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши лозимлиги қайд этилган [2].

Бундан ташқари, 2021 йил 28 июль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонуни 68-моддасида судьялик лавозимига сайланадиган, тайинланадиган шахс юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлиши лозимлиги баён этилган [3].

Юқорида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикасида судьяликка номзодлар учун юридик ихтисослик бўйича иш стаж талаби босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу ислоҳотлар судьялик лавозимига тайинланадиган шахслардан нафақат назарий билим, балки чуқур амалий тажриба, ҳуқуқни тўғри талқин қилиш ва адолатли қарор қабул қилиш салоҳияти талаб этилишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, мамлакатимизда судья бўлиш учун номзод, албатта, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқиши шартлиги белгиланган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сон Фармони 2-бандида Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби негизида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил этилган [4].

Амалдаги қоидаларга мувофиқ, судьялик лавозимига номзодлар ҳар йили ушбу талабни бажариш мақсадида тайёргарлик курсларига ҳужжатларини тақдим этадилар. Мазкур ҳужжатлар таркибида айнан юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлган шахсларгина мазкур курсга қабул қилиниши белгиланган. Мазкур қоида Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2023-2024 ўқув йили учун қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди [5]да, Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2024-2025 ўқув йили учун қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди [6]да, Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2025 йил 21 июлдаги қарори билан тасдиқланган Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди [7]да ўз аксини топган.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига тўхталадиган бўлсак, **Россия Федерациясида** судьяликка номзод юриспруденция соҳасида камида **5 йиллик иш стажига** эга бўлиши талаб этилади [8].

Бундан ташқари, **Қозғистон Республикасида** судьяликка номзод юридик касб бўйича камида **беш йиллик иш стажига** эга бўлиши лозимлиги қайд этилган [9].

Шу билан бирга, **Туркменистон Республикасида** эстрап суди ва эстрап даражасидаги шаҳар суди судьяси лавозими номзодга юридик ихтисослик бўйича камида **икки йиллик иш стажига** эга бўлиши белгиланган бўлса, оила ишлари судьяси лавозимига номзод юридик

ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажи (шу жумладан беш йил судьялик стажи)га эга бўлиши кераклиги белгиланган [10].

Шу ўринда, **Қирғиз Республикасида** маҳаллий суд судьяси лавозимига номзод юридик касб бўйича камида **5 йиллик иш стажига** эга бўлиш шартлиги баён этилган [11].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, **Тожикистон Республикасида** шаҳар ёки туман суди, ҳарбий суд, Бадахшон автоном вилояти иқтисодий суди, вилоят иқтисодий суди ҳамда Душанбе шаҳри иқтисодий суди судьяси лавозимларига камида **3 йиллик касбий иш стажига** эга бўлган юристлар тайинланиши мумкинлиги қайд этилган [12].

Бундан ташқари, **Озарбайжон Республикасида** судьялик лавозимига номзод юридик касб бўйича камида **5 йиллик иш стажига** эга бўлиши лозимлиги белгиланган [13].

Латвия Республикаси қонунчилигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Латвияда давлат томонидан тан олинган ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича иккинчи даражали олий маълумот дипломи ва “юрист” малакасига эга бўлгандан кейин **юридик ихтисослик бўйича камида беш йил ишлаган ёки суд раиси ёки судья ёрдамчиси лавозимида камида беш йил фаолият юритган** бўлиши кераклиги белгилаб ўтилган [14].

Қайд этиш жоизки, **Литва Республикасида** участка (участковый) суд судьяси лавозимига юридик касб бўйича камида **беш йиллик иш стажига** эга бўлиши кераклиги қайд этилган [15].

Юқорида баён этилганлардан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғиз, Озарбайжон ва Литва республикалари қонунчилигида судьяликка номзодлар учун юридик касб бўйича камида беш йиллик иш стажи талаб этилиши кузатилади. Бу ҳолат мазкур мамлакатларда судья шахсининг касбий тайёргарлиги ва ҳуқуқни амалда қўллаш тажрибасига катта эътибор берилишини кўрсатади.

Тожикистон Республикасида бу талаб нисбатан юмшатирилган бўлиб, судьяликка номзоддан камида уч йиллик касбий иш стажи талаб этилади. Бу мамлакатда судья кадрларини тайёрлаш тизимида амалиёт давомида малака ошириш имкониятлари кенгроқ йўлга қўйилганлиги билан изоҳланиши мумкин.

Туркменистон Республикаси қонунчилигида эса иш стажи бўйича фарқланувчи ёндашув мавжуд: туман даражасидаги судлар учун икки йиллик юридик стаж, оила ишлари бўйича судлар учун эса етти йиллик юридик стаж ва шу жумладан беш йил судьялик тажрибаси талаб этилади. Бу дифференциация (фарқли талаблар) суд фаолиятининг мураккаблиги ва ижтимоий аҳамиятига қараб белгиланганлиги билан аҳамиятлидир.

Латвия Республикасида эса талаб янада мураккаброқ бўлиб, номзод давлат томонидан тан олинган олий юридик маълумотдан ташқари юридик ихтисослик бўйича камида беш йиллик иш тажрибасига ёки судья/суд раиси ёрдамчиси сифатида камида беш йиллик фаолият стажига эга бўлиши лозим. Бу судья кадрларини танлашда амалий тайёргарликка катта аҳамият берилишини кўрсатади.

Кейинги муҳокама қилинадиган масала бу мамлакатимизда қайси касб ва лавозимларда фаолият юритилса, ушбу иш стажи юридик ихтисослик бўйича иш стажи ҳисобланишини ўрганишдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, миллий қонунчилик ҳужжатларида қайси касб ва лавозимларда фаолият юритилса, ушбу иш стажи юридик ихтисослик бўйича иш стажи ҳисобланиши аниқ белгиланмаган. Бироқ ички ҳужжатларда айрим қоидалар белгиланган. Масалан, Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2023-2024 ўқув йили учун қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандида лавозими бўйича мансаб даражаси ёки мартаба даражаси бериш назарда тутилган, хусусан судья ёрдамчиси, девонхона ва архив мудирлари, консултантлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суриштирув органлари ва уларнинг муассасалари масъул ходимлари, адвокатлар, давлат органлари, шунингдек ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари, давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳамда ихтисослашган давлат олий таълим муассасаларининг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари меҳнат фаолияти юридик ихтисослик бўйича меҳнат

стажи сифатида инобатга олинмиши қайд этилган. Худди ушбу қоидалар Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2024-2025 ўқув йили учун қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг 5-бандида белгилаб қўйилган.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси тўхталадиган бўлсак, Россия Федерациясининг 1992 йил 26 июнь куни қабул қилинган “Россия Федерациясида судья мақоми тўғрисида”ги Қонуни 5-бандида судья лавозимига тайинланиш учун зарур бўлган юридик соҳадаги меҳнат стажига қайси фаолият турларида ишлаган бўлиши лавозимлиги ва ушбу вақт юридик соҳадаги меҳнат стажига қўшилиши ҳақида қуйидаги аниқ қоида белгиланган:

1) Россия Федерациясининг давлат лавозимларида, Россия Федерацияси субъектларининг давлат лавозимларида, давлат фуқаролик хизмати лавозимларида, муниципал лавозимларда, шунингдек Россия Федерацияси Конституцияси қабул қилинишигача мавжуд бўлган СССР, СССР иттифоқдош республикалари, РСФСР ва Россия Федерацияси давлат органларидаги лавозимларда, ташкилотларнинг ҳуқуқий хизматларидаги лавозимларда ҳамда илмий ташкилотлардаги лавозимларда ишлаган, олий юридик маълумотни талаб этувчи лавозимлардаги меҳнат фаолияти вақти;

2) юридик фанлар бўйича профессионал таълим дастурлари доирасида ўқитувчи сифатида, шунингдек адвокат ёки нотариус сифатида амалга оширилган меҳнат фаолияти вақти [16].

Масалан, Қирғиз Республикасининг 2021 йил 15 ноябрь куни қабул қилинган “Қирғиз Республикаси судьялар мақоми тўғрисида”ги 138-сон конституциявий Қонуни 21-моддасида судья лавозимини эгаллаш учун зарур бўлган юридик касб бўйича иш стажига қуйидаги лавозимларда ишлаган вақт қўшилиши белгиланган:

1) олий юридик маълумотга эга бўлган Жогорку Кенеш депутатларининг иш фаолияти;

2) Қирғиз Республикаси Президенти ва Вазирлар Кабинетининг (кейинги ўринларда – Вазирлар Кабинети) Жогорку Кенешдаги ва олий судлардаги ваколатхоналари ходимларининг иш фаолияти;

3) ҳуқуқий бўлимлар, муҳофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан шуғулланувчи бўлимлар, шунингдек Президент Администрацияси таркибидаги ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган бўлимлар ходимларининг иш фаолияти;

4) Жогорку Кенеш Аппаратининг ҳуқуқий бўлимлари, конун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, конституциявий қонунчилик, давлат тузилиши ва суд-ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи қўмита бўлимлари, шунингдек олий юридик маълумотга эга бўлган Жогорку Кенеш депутатларининг маслаҳатчилари ва ёрдамчилари иш фаолияти;

5) Конституциявий суд ва Олий суд аппаратлари ходимларининг иш фаолияти;

6) маҳаллий судлар аппаратлари ходимларининг иш фаолияти;

7) ваколатли давлат органи ходимларининг иш фаолияти;

8) прокуратура органлари ходимларининг иш фаолияти;

9) адлия тизими ходимларининг иш фаолияти;

10) ички ишлар органларининг ҳуқуқий хизматлари ва тергов бўлимлари ходимларининг иш фаолияти;

11) миллий хавфсизлик хизмати органларининг ҳуқуқий хизматлари ва тергов бўлимлари ходимларининг иш фаолияти;

12) божхона органларининг ҳуқуқий хизматлари ва тергов бўлимлари ходимларининг иш фаолияти;

13) вазирликлар, давлат қўмиталар ва маъмурий идоралар ҳамда уларга қарашли муассасаларнинг ҳуқуқий хизматлари ходимларининг иш фаолияти;

14) Қирғиз Республикаси давлат комиссиялари ва жамғармаларининг аппаратларидаги ҳуқуқий хизматлар ходимларининг иш фаолияти;

15) маҳаллий давлат маъмуриятлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий хизматлари ходимларининг иш фаолияти;

16) олий юридик маълумотга эга бўлган Қирғиз Республикаси Акыйкатчиси (Омбудсмани) аппарати ходимларининг иш фаолияти;

17) мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахсларнинг ҳуқуқий хизматлари ходимларининг иш фаолияти;

18) Қирғиз Республикаси адвокатларининг иш фаолияти;

19) Қирғиз Республикаси нотариусларининг иш фаолияти;

20) ҳуқуқ соҳаси билан шуғулланувчи олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда илмий котибларининг иш фаолияти [17].

Ривожланган давлатларнинг қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, Литва Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 53-моддасида юридик касб бўйича иш стажига оид қоидалар белгиланган. Унга кўра, ҳуқуқий лавозимлар рўйхати Ҳукумат ёки унга ваколат берилган орган томонидан тасдиқланиши, агар шахснинг юридик касб бўйича иш стажини бўйича шубҳалар мавжуд бўлса, судья лавозимида ишлаш учун мос келадиган юридик касб бўйича иш стажини Адлия вазири томонидан тузилган Юридик касб бўйича иш стажини тан олиш комиссияси томонидан тасдиқланиши, юридик касб бўйича иш стажини тан олиш комиссияси ҳақидаги низом Адлия вазири томонидан тасдиқланиши, юридик касб бўйича иш стажини тан олиш комиссиясининг ҳулосаларида шахснинг юридик касб бўйича иш стажини кўрсатилиши шартлиги, юридик касб бўйича иш стажини тан олиш комиссиясининг қарори маъмурий судда шикоят қилиниш имкониятига эга эканлиги қайд этилган [18].

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунида мавжуд эмас. Худди шундай ўхшаш амалиёт Қозоғистон Республикасининг 2000 йил 25 декабрь куни қабул қилинган “Қозоғистон Республикасининг суд тизими ва судьялар мақоми тўғрисида”ги 132-сонли конституциявий Қонуни [19]да, Туркменистоннинг 2025 йил 12 апрель куни қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги 151-сон Қонуни [20]да, Тожикистон Республикасининг “Тожикистон Республикаси судлари тўғрисида”ги конституциявий Қонун [21]ида, Озарбойжон Республикаси “Судлар ва судьялар тўғрисида”ги Қонуни [22]да, Латвия Республикасининг “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни [23]да ҳам мавжуд.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида судьялик лавозимига сайланадиган, тайинланадиган шахслар учун зарур бўлган юридик ихтисослик бўйича иш стажини ҳисобланадиган лавозим ва касблар рўйхатини қонун даражасида белгилаш лозим.

Тадқиқот доирасида муҳокама қилинадиган кейинги масалага тўхталадиган бўлсак, судья бўлиш учун юридик ихтисослик бўйича иш стажининг дастлабки биринчи дақиқаси қачондан бошланиши ҳисобланади.

Миллий қонунчилик таҳлилига кўра, судьялик лавозимига тайинланадиган шахсдан талаб этиладиган юридик ихтисослик бўйича иш стажини қачондан бошланиши ҳақида аниқ қоида мавжуд эмас.

Бирок бу борада ички ҳужжатларда куйидагилар қайд этилган:

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2023-2024 ўқув йили учун қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандида талабгорнинг ихтисослиги бўйича иш стажини олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом берилган вақтдан, агар диплом хорижий давлатда берилган бўлса, у белгиланган тартибда тан олинган (нострификация қилинган) вақтдан ҳисобга олиниши белгилаб ўтилган. Мазкур қоида Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2024-2025 ўқув йили учун қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг 6-бандида алоҳида қайд этилган.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, Қирғиз Республикаси қонунчилигида олий юридик маълумот талаб қилинадиган лавозимларда ишлаган вақт мутахассислик бўйича иш стажига ҳисобланиши белгиланган [24].

Литва Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 53-моддасига кўра, юридик касб бўйича иш стажини ушбу Қонуннинг 51-моддасида назарда тутилган юридик маълумотга

эга бўлган вақтдан ва ҳуқуқий лавозимлар рўйхатида кўрсатилган фаолиятга киришган вақтдан бошлаб ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган [25].

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, судьялик лавозимга тайинланадиган шахс учун зарур юридик ихтисослик бўйича иш стажи олий юридик маълумотга эга эканлигини тасдиқловчи, агарда диплом хорижий давлатда берилган бўлса, у белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида тан олинган вақтдан ҳисобга олиниши лозимлиги камида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси қарорида ёки қонун даражасида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида баён этилган тахлилий маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси суд тизими қўйи бўғинида судьяликка тайинланадиган шахс юридик ихтисослик бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган бўлиши лозимлиги оид норма киритиш;

иккинчидан, юридик касб бўйича иш стажига эга бўлган лавозимлар ва касблар рўйтини аниқ белгилашга оид норма киритиш;

учинчидан, судьялик лавозимга тайинланадиган шахс учун зарур бўлган юридик ихтисослик бўйича иш стажининг бошланиши олий юридик маълумотга эга эканлигини тасдиқловчи, агарда диплом хорижий давлатда берилган бўлса, у белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида тан олинган вақтдан ҳисобга олиниши лозимлигига оид норма киритиш.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 10-сон, 367-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 2001 й., 1-2-сон, 10-модда (Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1993., No. 10, article 367; Bulletin of the OECD, 1995., No. 9, article 193; 1997., No. 2, article 56; 2001., No. 1-2, article 10)
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2016 й., 3(П)-сон, 32-модда; 2017 й., 22-сон, 407-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон, 26.12.2019 й., 03/19/598/4221-сон; 08.01.2020 й., 03/20/601/0025-сон, 20.10.2020 й., 03/20/642/1396-сон (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2014., No. 4, article 45; 2016., 3 (i), article 32; 2017., No. 22, article 407; national database of legislative data, 26.06.2019., 03/19/544/3337, 26.12.2019., 03/19/598/4221; 08.01.2020., 03/20/601/0025, 20.10.2020., 03/20/642/1396)
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон; 02.03.2024 й., 03/24/917/0170-сон; 14.08.2024 й., 03/24/943/0616-сон; 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон; 29.01.2025 й., 03/25/1022/0083-сон; 10.06.2025 й., 03/25/1067/0498-сон; 15.08.2025 й., 03/25/1081/0738-сон (National database of legislative data, 29.07.2021., 03/21/703/0723; 02.03.2024., 03/24/917/0170; 14.08.2024., 03/24/943/0616; 21.09.2024., 03/24/963/0735; 29.01.2025., 03/25/1022/0083; 10.06.2025., 03/25/1067/0498; 15.08.2025., 03/25/1081/0738)
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.08.2025 й., 06/25/141/0772-сон (National database of legislative data, 23.08.2025., 06/25/141/0772)
5. <https://sudacademy.uz/uploads/pages/23/%D0%9E%D0%BB%D0%B8%D0%B9%20%D0%BC%D0%B0%D0%BA%D1%82%D0%B0%D0%B1%D0%B3%D0%B0%20%D2%9B%D0%B0%D0%B1%D1%83%D0%BB%20%D0%BD%D0%B8%D0%B7%D0%BE%D0%BC%D0%B8+.pdf>
6. <https://sudacademy.uz/uploads/pages/777/%D0%9E%D0%BB%D0%B8%D0%B9%20%D0%BC%D0%B0%D0%BA%D1%82%D0%B0%D0%B1%D0%B3%D0%B0%20%D2%9B%D0%B0%D0%B1%D1%83%D0%BB%20%D0%BD%D0%B8%D0%B7%D0%BE%D0%BC-2024.pdf>
7. <https://sudacademy.uz/uploads/pages/qabul%202025/%D2%9B%D0%B0%D0%B1%D1%83%D0%BB%20%D0%BD%D0%B8%D0%B7%D0%BE%D0%BC-2025.pdf>

8. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_648/efa6329a5506a579e3b9d2c9280b7b8f093922a9/
9. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z000000132> Юридический словарь / под ред А.Н.Азрилияна М. 2007. Б-982 (A legal dictionary / edited by A.N.Azriliyan, M. 2007. P 982)
10. <https://minjust.gov.tm/ru/hukuk/merkezi/hukuk/689> См. Бабаева О.Н. Проблемные вопросы статуса мировых судей Российской Федерации // Вестник Воронеж. Гос ун-та. Серия: Право. 2007. №1 (2). Б-134. (Babaeva O.N. Problematic issues of the status of magistrates of the Russian Federation // Vestnik Voronezh. State University. Series: Law. 2007. No. 1 (2). P 134.)
11. <https://cbd.minjust.gov.kg/112311/edition/1270733/ru>
12. <https://constcourt.tj/ru/hujatho/konstitucionnyj-zakon-respubliki-tadzhikistan-o-sudah-respubliki-tadzhikistan/>
13. https://republic.preslib.az/ru_d4-61.html
14. <https://worldconstitutions.ru/?p=891>
15. <https://eseimas.lrs.lt/portal/legalActPrint/lt?jfwid=f4nne6v63&documentId=TAIS.405199&category=TAD>
16. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_648/efa6329a5506a579e3b9d2c9280b7b8f093922a9/
17. <https://cbd.minjust.gov.kg/112311/edition/1270733/ru>
18. <https://eseimas.lrs.lt/portal/legalActPrint/lt?jfwid=f4nne6v63&documentId=TAIS.405199&category=TAD>
19. https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z000000132_
20. <https://minjust.gov.tm/ru/hukuk/merkezi/hukuk/689>
21. <https://constcourt.tj/ru/hujatho/konstitucionnyj-zakon-respubliki-tadzhikistan-o-sudah-respubliki-tadzhikistan/>
22. https://republic.preslib.az/ru_d4-61.html
23. <https://worldconstitutions.ru/?p=891>
24. <https://cbd.minjust.gov.kg/112311/edition/1270733/ru>
25. <https://eseimas.lrs.lt/portal/legalActPrint/lt?jfwid=f4nne6v63&documentId=TAIS.405199&category=TAD>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000